



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 26 август, № 175 (9070)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ИОРДАНИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн 25 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Ўзбекистон Республикаси билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йилнинг февраль ойида ўрнатилган. 1994 йилнинг июнь ойида Тошкентда Иордания элчихонаси ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирда қароргоҳи Ар-Риёдда бўлган Ўзбекистон элчиси бир вақтнинг ўзидА Аммонда аккредитациядан ўтган.

Сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар янги суръатга эга бўлди. Томонлар ўзаро манфаатли муҳим салоҳиятга таянган ҳолда ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истагини намоён этмоқда. Жорий йилда дипломатик паспорт эгалари учун виза режимини бекор қилиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳамкорлик дастури имзолангани эътиборли. Бу қадамлар

ўзаро муносабатларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ИслОм ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар каби кўп томонлама форматлардаги иштироки Ўзбекистон — Иордания муносабатларини чуқурлаштириш учун қўшимча платформа яратмоқда.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2024 йилда қарийб 4,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 4,3 миллион доллар бўлгани савдо-иқтисодий алоқалар кенгайиб бораётганини кўрсатади. Мамлакатимиз Иорданияга мис, қурилтилан мевА, ёнгоқ ва тўқимачилик махсулотларини экспорт қилмоқда. Иорданиядан амалга оширилаётган им-

порт таркибида эса фармацевтика, кимё махсулотлари, асбоб-ускуна ва машиналар салмоқли бўлмоқда.

Икки мамлакат инвестиция, саноат ва савдо вазирлари ўртасидаги 2025 йилдаги музокаралар ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканликларини тасдиқлади. Товарларнинг мамлакатларимиз бозорларига чиқишини соддалаштирадиган имтиёзли савдо битимини имзолаш, тоғкон саноати, жумладан, фосфатлар, мис ва бошқа фойдали қазilmаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, фармацевтика, тўқимачилик, енгил саноат ва рақамли иқтисодиёт баҳбаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим йўналишлар қаторига қиради.

Иордания Подшоҳининг Ўзбекис-

тонга олий даражадаги ташрифи давлатларимиз ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янги босқичда давом эттириш учун имконият яратиши кутилмоқда. Бу ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлиши, шубҳасиз.

Самарқанд шаҳри аэропортида Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқларини кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Миллий куй-қўйиқ ва рақслардан иборат тантанали маросим бўлиб ўтди. Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида қадимий Самарқанд шаҳрининг улугвор тарихий обидалари билан танишди.

Давлат раҳбарлари аввал Шоҳи Зинда мажмуасига ташриф буюрдилар.

Мазкур зиёратгоҳ Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бири Қусам ибн Аббос ва бошқа аробларнинг мақбараларидан ташкил топган. Мажмуанинг тарихий, маданий ва бадий аҳамияти шундаки, у меъморчилик ва безак санъатининг бир неча аср давомидаги тараққиётини акс эттиради. Шоҳи Зинда 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Расман Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотима ва кўеви Али ибн Абу Толибнинг авлодлари ҳисобланган Ҳошимийлар сулоласи вакили бўлган Иордания Подшоҳи Қусам ибн Аббос хотира-сига ҳурмат баҳо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида Иордания делегациясига буюк бобомизнинг давлатчилиги сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик

алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, у тузган давлат ўз даврининг энг улкан мамлакати бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Давлат раҳбарлари Мирзо Улугбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларидан иборат Регистон мажмуасида ҳам бўлдилар. Бу обидалар асрлар давомида илм-фан маркази бўлган, юзлаб олим ва тадқиқотчиларни камолга етказган. Ўзининг мукаммал жойлашуви ва уйғунлиги туфайли Регистон ҳақли равишда Самарқанднинг “ташриф қоғози” ҳисобланади.

Танишув чоғида олий мартабали меҳмонга ушбу иншоотларнинг бунёд этилиш тарихи ва нақшларининг ўзига хос жиҳатлари, майдонда олиб борилган реставрация ишлари ҳақида маълумот берилди.

Шундан сўнг Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасини бориб кўрди.

Олий мартабали меҳмон халқимизнинг бой маданий мероси, ҳунаромандчилик ва амалий санъатини акс эттирувчи кўргазмаларни томоша қилди. Рақс жамоаларининг чиқишлари намоёиш этилди.

Бу ерда халқимизнинг буюк ўтмиши рамзлари тўпланган, тарихий шаҳрларимиздаги диққатга сазовор жойларнинг нусхалари барпо этилган. Миллий анъаналаримиз билан бирга дўст халқлар билан алоқалар тарихи ҳам акс эттирилган. Бундай маъно-мазмун, тарих ва бугунги кун уйғунлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон — Иордания саммитининг асосий тадбирлари, шу жумладан, олий даражадаги музокаралар 26 август куни бўлиб ўтади.

Зиёдилла ЖОНИЕВКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

УЛУҒ МУҲАДДИС НОМИГА МУНОСИБ МАЖМУА

Президент Шавкат Мирзиёев 25 август куни Самарқандга ташриф буюрди. Эзгу анъанага мувофиқ, аввало, Имом Бухорий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Буюк муҳаддис бобомизга бутун ислом оламида эҳтиром баланд, унинг мақбарасини кўриш истагидаги инсонлар кўп. Шу боис зиёратчиларга шароитларни янада кенгайтириш мақсадида бу ерда улкан мажмуа барпо этилмоқда.

Зиёратгоҳнинг умумий майдони 44 гектар этиб кенгайтирилган. Мўътабар мақбара, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси қуриб битказилган. Мажмуанинг тўрт бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган.

Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига “Саҳиҳи Бухорий”дан ҳадислар битилмоқда.

Президентимиз бу мажмуа фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши кераклигини таъкидлади. Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ва камолоти бу ерга келувчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши қайд этилди.

Шу мақсадда янги мажмуада инновацион музей ҳам ташкил этилмоқда. У ислом оламида муҳаддислар султонидея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Қуръони Каримда ислари зикр қилинган 25 та пайгамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, у зотнинг Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланishi ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади.

Зиёратгоҳ атрофида меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларининг ҳам қурилиш ишлари якуний босқичга кирган.

Давлатимиз раҳбари қурилишни сифатли бажариш, зиёратчиларга қулайликларни кенгайтириш, мажмуа атрофида яшил майдонларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий-маънавий барқарорликни сақлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Халилов Насриддин — Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедраси мудири, Самарқанд вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан

Кудратов Уктам Аралович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қизилқум кон бошқармаси «Пистали» кони бош муҳандисининг ўринбосари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони билан

Уразметов Шермухаммат Джумабаевич — «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали геология-геофизика ишларини истиқболли прогностлаш бўлими бошлиғи
Ҳамроев Умаржон Артиқович — «Навоийуран» давлат корхонасининг «Уран ва ноёб металлургия» илмий-ишлаб чиқариш маркази геология-қидирув экспедицияси бош геолоғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони билан

Турсунов Жамшид Юнусович — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси

Хидоятлов Шерзод Саиджанович — Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор» фахрий унвони билан

Вахабов Даврон Абдужалалович — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
Саидмуродов Уктам — Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамияти раиси, Самарқанд вилояти

(Давоми 2-бетда).



МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИ МАНФААТЛАРИ

Кеча Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилиш

Мажлис Парламент комиссиясининг ҳамраислари, Олий Махлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигида ўтказилди.

Унда Барқарор ривожланишнинг 10-миллий мақсади 7-вазифаси доирасида тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси ва самарали миграция сиёсатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда ушбу йўналишда қатор ислохотлар ҳаётга татбиқ этилиб, меҳнат муҳожирлари учун ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий кафолатлар кенгайтирилди.

Жумладан, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солувчи 20 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, молия манбалари ҳисобига муҳожирларнинг йўл чипталари, “ишчи визаси” ҳамда хорижий тил имтиҳонлари харажатларини қоплаш механизмлари жорий этилди.

Меҳнат миграцияси географияси кенгайтирилиб, фуқароларни юқори даромадли давлатларга ишга юбориш, уларни касб-хунар ва чет тилларга ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, ташкил этилган тартибда хорижа юборилаётган меҳнат муҳожирлари сони 5 баробар ортиб, бундай давлатлар сони 3 тадан 16 тага етди.

Меҳнат ҳуқуқлари бузилган ва ўз

иш ҳақини ололмаётган фуқароларимизнинг пуллари иш берувчилардан ундириб берилмоқда. Хусусан, сўнгги тўрт йилда хорижий иш берувчилардан 13630 нафар фуқаронинг 5 млн. 950 минг доллардан зиёд миқдоридея иш ҳақи, компенсация ва суғурта пуллари улар фойдасига ундирилган. Шу билан бирга, мажлисда мавжуд тизимли муаммолар ҳам қайд этилди. Жумладан, миграция соҳасидаги қонунчиликни ягона ҳужжат доирасида такомиллаштириш, соҳага оид халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, ноконуний миграция оқибатларини камайтириш, муҳожирларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоялаш зарурлиғи таъкидланди.

Мажлис якунида тегишли қарор ва “Йўл харитаси” қабул қилиниб, унинг ижросини самарали ташкил этиш бўйича мутасадди вазирлик ҳамда идораларга тегишли топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

ЯПОНИЯ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ ВА ДЎСТИ

Шу йилнинг 26-27 август кунлари Ўзбекистон Республикасида расмий ташрифим бўлиб ўтади. Бу менинг Япония ташқи ишлар вазири сифатида юртингизга сўнгги уч йилдаги илк ташрифим ва бир неча йиллик орзуим амалга ошаётганидан чин дилдан хурсандман.

Биз ва жаҳон

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги айирбошлаш

тарихи минг йилдан кўп даврга бориб тақалади. Буюк Ипак йўли орқали

мамлакатимизга турли маданият ҳамда технологиялар кириб келди ва Япония тарихи ҳамда жамиятига катта таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ва Японияни бир неча минг километр куруқлик ҳамда денгиз ажратиб турганига қарамай, ўтган йиллар давомида халқларимиз маданий ва этник яқинлик

туйғусини сақлаб, мустаҳкамлаб келмоқда. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг кўп сонли японияликлар собиқ совет иттифoқи томонидан интернирланган эди. Шунга қарамай, Ўзбекистондаги япониялик ишчилар ва маҳаллий аҳоли ўртасида илиқ муносабатлар шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони билан
Цой Николай Валерьевич — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвозлар хавфсизлиги ва сифат таъминоти бошқармаси учувчи-инспектори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан
Кудратхўжа Шерзодхон Тождиддинхон ўғли — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори

«Эл-юрт хурмати» ордени билан
Айимбетова Гулхатжа Аймановна — «Айқулаш» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси
Ганиева Матлуба Махамажановна — Андижон туманидаги «Орол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти
Нематова Наргиза Исамиддиновна — Олот тумани ҳокими, Бухоро вилояти
Саидов Сирожиддин Салохович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси
Тумишова Аксавли Молдагалиевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Зарафшон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан
Бердикулов Асатулла Ҳасанович — Сардоба туманидаги «А. Қодирий» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан
Ишметов Тимур Аминджанович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси
Мурадов Мансурджан Насирович — Республика «Усто» уюшмаси раиси
Хидиров Лочин Шопуловотвич — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси цех участка устаси

«Дўстлик» ордени билан
Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғли — «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси
Акрамова Хушвахт Норкуловна — Бухоро шаҳридаги «Биродар шаҳарлар» жамияти раиси, Бухоро вилояти
Арзиев Фарҳод Нуритдинович — Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси
Атабаев Шухрат Халдарович — Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси
Бахрамов Шамирза Пашаевич — Сирдарё тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси техник-гидрометри, Сирдарё вилояти
Иргашева Марҳамат — Мирзо Улугбек туманидаги «Асака» маҳалла фуқаролар йиғини нуронийлар жамоатчилик кенгаши раиси, Тошкент шаҳри
Исмоилов Хабибидин — Фарғона туманидаги деҳқон хўжалиги боғбони, Фарғона вилояти
Исраилов Исмаил Иркинович — Тошкент шаҳридаги «Development and Marketing Group» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари
Кучкаров Баҳром Тулкинович — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари
Қодиров Акмал Сайфуллоевич — «Enter Engineering Pte. Ltd» компаниясининг Имом Бухорий мажмуаси қурилиш лойиҳаси раҳбари

Мухамматова Дилбар Даврановна — Термиз туманидаги «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти
Набиева Парахат Раҳматуллаевна — Шароф Рашидов туманидаги «Хукумати Мирзаалиева» биолобаторияси раҳбари, Жиззах вилояти
Наримбетов Юлдаш Ибрагимович — Беруний туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси
Насиров Кузибой — Қизилтепа туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти
Примов Орифжон Ҳасанович — Паркент тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Тошкент вилояти
Рахимова Нигина Хайруллаевна — «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори
Садовников Владимир Владимирович — Наманган шаҳридаги «Проект-сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти
Санаев Исмат Санаевич — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пачғачи тумани Кенгаши раиси, Самарқанд вилояти
Сейтеков Турганбай Берданович — Нукус тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси асфальт ётқизиш машинаси хайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Сиротин Игорь Васильевич — «Uzbekistan airways techncis» масъулияти чекланган жамиятининг Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази муҳандиси

Соатов Мумин — Кўкдала тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Қашқадарё вилояти
Ташматов Тажидин Сатволдиевич — Андижон вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси автогрейдер хайдовчиси
Туляганов Кудратилла Асатуллаевич — «Асака» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси
Турсунов Рашит Рахмонович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 3-автобаза бошлиғи
Умерова Гаянэ Олеговна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг департамент бошлиғи
Усманов Равшан Абборович — Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси
Файzieва Василиа Солиховна — Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси аъзоси
Файzieва Дилором Хуснитдиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари
Федин Александр Григорьевич — Жарқўрғон туманидаги «Оқтепа» ов хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Хасанов Назиржон Набижанович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси
Хожибоев Эркинжон Валижонович — Хонобод шахри ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштирувчиси, Андижон вилояти
Шералиев Курбонали — Ховос тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Сирдарё вилояти
Шерматов Зикирлла Шукuroвич — «Нуроний» жамгармасининг Косон тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти
Шонагметова Нина Ефимовна — «Ўрта Чирчиқ гидроэлектрстанциялари каскади» филиалининг ишлаб чиқариш-техник бўлими етакчи муҳандиси, Тошкент вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдиев Жаҳонгир Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кўмитаси раисининг ўринбосари
Абдуллаев Тулқин Мансурович — Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиғи директорининг ўринбосари
Абдусаттаров Тулқин Сайфуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Абидов Акмал Джурабаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Авезов Жасурбек Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Бекмирзаев Диёрбек Абдугаппорович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Бутаев Ориф Алибоевич — «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси
Галтемиров Шароф Курбанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Джахангирова Элла Анатольевна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг департамент бошлиғи
Жуманиязов Нодир Кадамович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Жураев Баходир Ибрагимович — «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти раиси
Исмаилов Мурад Валижонович — Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг ўринбосари
Исхакова Гузал Гайратовна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Кадилов Шухрат Мунавварович — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиғи хузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиғи директори
Киличов Тимур Машарибович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Қаршиев Рустам Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиғи вазирининг ўринбосари
Лапасов Улугбек Хидирович — Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили

Миракулов Миравзал Миродилович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Мирахмедов Зиёд Махамаджонович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Муталов Зохириддин Абдугапурович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Рахимова Гулнора Ҳашимовна — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
Раҳматов Феруз Касимович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Сайдолимов Саидхон Талъат ўғли — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Тангриев Иззат Раҳматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Умаров Олимжон Мухамаджанович — Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари
Хайдаров Жаҳонгир Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Ходжаев Фуркат Салимович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими
Холмуродов Нозимжон Косимович — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари
Холхўжаев Саидқаҳҳор Мухаммадкарим ўғли — Чилонзор тумани ҳокими, Тошкент шаҳри
Хошимов Нодирбек Анваржонович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
Юлдашев Қаҳрамон Анварджанович — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғи вазирининг ўринбосари
Юсулбаев Шухрат Машхурович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

«Соғлом турмуш» медали билан
Тулабаев Мирзаали Эрқабаевич — Қўқон шаҳри нуронийлар жамоатчилик кенгаши спорт тарғиботчиси, Фарғона вилояти

«Келажак бунёдкори» медали билан
Бозоров Миршодбек Шукур ўғли — Ромитан туманидаги «Тарнаут» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Бухоро вилояти
Мажидов Бобомурод Бахронович — Тошкент шаҳридаги «Akfa Dream World» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари

«Жасорат» медали билан
Аблаева Фароғат Муртазаевна — Учтепа туманидаги зарғарлик буюмлари ясовчи хунарманд, Тошкент шаҳри
Жумаева Шохида Қулматовна — Шеробод туманидаги касб-хунарга ўқитиш марказининг «Қорабоғ» ўқув маскани тикувчиси, Сурхондарё вилояти
Имомаддинов Халилла Камолович — Шовот туманидаги «Хўжабод-2018» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Мансуров Замир Бақоевич — Вобкент туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Бухоро вилояти
Орипова Зухраҳон Ўъзамовна — Олтиариқ туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти
Рўзиева Шахло Мансуровна — Томди тумани спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийси, Навоий вилояти
Сафаров Музаффар Шавкатович — Нарпай туманидаги маиший техникаларни таъмирлаш устаси, Самарқанд вилояти
Солиев Лутфулложон Собитович — Чуст туманидаги якка тартибдағи тадбиркор, тикувчи, Наманган вилояти
Суёнов Мансур Халилович — Фориш туманидаги видео монтаж устаси, Жиззах вилояти
Турдикулова Саёра Шарофовна — «Хунарманд» уюшмасининг Китоб тумани бўлими аъзоси, каштадўз, Қашқадарё вилояти
Худойбердиева Нодира Хомиджановна — Шахрихон туманидаги хунарманд-тикувчи, Андижон вилояти
Шакиров Илхам Гавазович — Оқолтин туманидаги якка тартибдағи тадбиркор, фотосуратчи, Сирдарё вилояти
Шарипов Максуд Кенжаевич — Элликқалъа туманидаги автоомбилларни таъмирлаш устаси, Қорақалпоғистон Республикаси
Эргашев Дониёр Азимович — «Хунарманд» уюшмасининг Бука тумани бўлими аъзоси, ёғоч уймакорлиғи устаси, Тошкент вилояти

«Шухрат» медали билан
(100 ёшдан ошганлар)

Гаданова Хатича — Нарпай тумани, Самарқанд вилояти
Ғалимова Назиба — Богот тумани, Хоразм вилояти
Зарипова Наржан — Беруний тумани, Қорақалпоғистон Республикаси
Имомкулова Сухсурбў — Поп тумани, Наманган вилояти
Кенжаева Анор — Янгибод тумани, Жиззах вилояти
Матисақова Мелибў — Бувайда тумани, Фарғона вилояти
Нарматов Уразали — Сардоба тумани, Сирдарё вилояти
Розиева Назмира Мирсултановна — Мирзо Улугбек тумани, Тошкент шаҳри
Табаров Икрам — Шўрчи тумани, Сурхондарё вилояти
Тағоев Журакул — Хатирчи тумани, Навоий вилояти
Тешаев Ачил — Жондор тумани, Бухоро вилояти
Усмонова Меҳри — Чиноз тумани, Тошкент вилояти
Ширназаров Махмадали — Шахрисабз тумани, Қашқадарё вилояти
Юлдошева Чинихон — Пахтаобод тумани, Андижон вилояти

«Шухрат» медали билан
Абдурахмонов Ифтихор Исмоилович — «Темирийўлинфратузилма» акциядорлик жамиятининг Қўқон локомотив депоси Андижон филиали тепловоз машинисти, Андижон вилояти
Абдуҳакимова Гулфуза Абдурахмановна — Пастдаргон туманидаги «Буюк Турон» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Самарқанд вилояти
Авазов Элмурод Рўзимуродович — Жарқўрғон тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти
Адилов Юлдош Ҳасанович — Мирзачўл туманидаги «Мирзачўл сервис авто» масъулияти чекланган жамияти автобус хайдовчиси, Жиззах вилояти
Алиева Нодирахон Иброҳимовна — Риштон туманидаги «Агроном Алиев» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти
Алимджанов Камилжан Валиджанович — Давлат резиденциялариға хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси чилангар-сантехниғи
Аллабергенов Муродбек Анварбекович — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиғи хузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази директори
Аманов Ойбек Анварович — Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори, Қашқадарё вилояти
Амонов Наим Насимович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси директори
Арашов Жалол Самандарович — Бухоро вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари
Арипов Бахтиёр Рўзимедович — Андижон туманидаги «Valley Fish» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Артиқов Меликузи Маматкулович — «Сирдарё-Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаватор машинисти, Жиззах вилояти
Асқарова Гулжамол Шодмановна — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси
Балтабаев Хабибулла Мўминович — «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш дирекцияси пайвандлаш цехи бригада бошлиғи, Андижон вилояти
Бегматов Абдулла Турдулович — Бобвут туманидаги «Бобвутлик Хумоюн» фермер хўжалиғи бошлиғи, Сирдарё вилояти
Ғозиев Нурматжон Нуъмонжонович — Бағдод тумани «Чекитой» маҳалла фуқаролар йиғинидағи ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти
Давлатов Ибадулла Уракович — Термиз туманидаги «Қорахон-Янгиариқ» фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Дадаходжаев Носир Ибрагимович — «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» масъулияти чекланган жамиятининг изоляция ва ўта кучланмидан ҳимояланиш ишлаб чиқариш хизмати бошлиғи ўринбосари
Дехканов Азиз Равшанович — Давлат резиденциялариға хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси мутахассиси
Джораяв Джасур Саттиваевич — Тошкент шаҳридаги «12-трест» акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси электр-газ пайвандчиси
Джумабекова Гулзайнат Хусановна — «Чирчиқ трансформатор заводи» акциядорлик жамиятининг цех ғалтак ўровчиси, Тошкент вилояти
Ёдгоров Шухрат Ўразбаевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтоғ» кони участка портлатувчиси
Имамбердиев Надир Асқарович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 3-Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи теғирмон машинисти
Иминов Абдулазиз Турдиевич — Тошкент шаҳридаги «Green TV» масъулияти чекланган жамияти мутахассиси

Иргашев Элёр Агламович — «Гидропроект» акциядорлик жамияти бош муҳандиси
Кутлимуратова Нигора Машариповна — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи
Қодилов Алишер Абдулахатович — Қашқадарё вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари
Қодиров Рўзимбой Курбанович — «Чапқирғоқ Амударё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаваторчиси, Хоразм вилояти
Магзамов Азамат Парахатович — Кегейли тумани «Жўзим бағ» овул фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Мадатова Онара Джуракуловна — Хатирчи туманидаги «Лангар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти
Маликова Гулчеҳра Рихсихўжаевна — Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий ходими
Мамаражабова Баҳора Дилмуродовна — «Хунарманд» уюшмасининг Навоий вилояти бошқармаси аъзоси, каштачи
Маматмўминов Акмал Жайлолович — Ангор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сурхондарё вилояти
Мансуров Ахрор Ахмадалиевич — Мингбулоқ тумани ҳокими, Наманган вилояти
Миноварходжаев Убайдулла Тахтаевич — Яшнобод туманидаги «Беҳизор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри
Мирзаев Нурали Аскаралиевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси
Мусурманова Шоира Акбоевна — Булунғур туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Самарқанд вилояти
Назаров Эркин Эргашович — Яшнобод туманидаги «Яшнобод махсустранс» автотранспорт филиали хайдовчиси, Тошкент шаҳри
Насирова Фируза Руфатовна — Навоий шаҳар солиқ инспекциясининг маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари шўъбаси давлат солиқ катта инспектори, Навоий вилояти
Нурматова Умигулсин Умирзоковна — Тўрақўрғон туманидаги «Мозорқўҳна» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти
Нурметова Елизавета Викторовна — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг ҳаракат хизмати поезд диспетчери, Тошкент шаҳри
Нуруллаев Зафар Деҳқонович — Самарқанд шаҳри ободонлаштириш бошқармасининг Сиеб худуди бошлиғи, Самарқанд вилояти
Обидов Воҳид Тўхтасинович — Ёзёвон туманидаги «Мезон» фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти
Отажанова Раҳима — Шовот тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Хоразм вилояти
Парпиев Пўлатжон Расулович — Норин туманидаги «Ровот» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти
Райимов Алишер Абдумаликович — Ангрен шаҳар ҳокими, Тошкент вилояти
Раҳимов Ёқубжан Абдуллажанович — Учқўрғон туманидаги «Имижон Мухамран Бонў» фермер хўжалиғи трактор хайдовчиси, Наманган вилояти
Рахматиллаев Озатбек Зарипович — Урганч туманидаги «Давлат-Рахматулла» фермер хўжалиғи бошлиғи, Хоразм вилояти
Ризаев Ғазлиддин Исмоилович — Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти бош технологи, Самарқанд вилояти
Рўзиев Азамат Абдирашидович — Қорақўл тумани «Мирзақалъа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Бухоро вилояти
Рўзиев Руслан Насирович — Кониимех тумани ҳокими, Навоий вилояти
Рўзметова Зебинисо Жуманазаровна — Қўшқўпир туманидаги «Кенгас» биосервиси раҳбари, Хоразм вилояти
Сайидмусаев Сайидбаҳром Сайидбурхонович — Сўх тумани ҳокими, Фарғона вилояти
Самақова Мاستурахон Эргашевна — Ўзбекистон туманидаги «Яйпан агропилла» масъулияти чекланган жамияти бош агрономи, Фарғона вилояти
Сориев Шерзод Эшонкулович — Пахтакор туманидаги «Шер-Улуғ-Жаҳон» фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти
Сулайманова Гулсима Бахитжановна — Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Султонов Нуриддин Абдухамидович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, ракобатиш ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси аъзоси
Тойнбаев Абдиқадир Эралиевич — «Шўрўзак-Сирдарё» ирригация тизими бошқармасининг туманлараро каналлар бўлими Унғ тармок канали гидротехниғи, Сирдарё вилояти
Турсунбоева Дилфуза Тошбоевна — Бахмал туманидаги «Музбулоқ» ва «Батанпарвар» маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Жиззах вилояти
Турсунова Дилбар Номозовна — Яккабоғ тумани ободонлаштириш бошқармаси бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти
Турсунова Норбиби Мардановна — Бекобод туманидаги «Олтин пилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Тошкент вилояти
Улугов Асроржон Аскаралиевич — «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятининг «Тўполанг ГЭС» филиали директори
Ғазилова Фатима Мурадуллаевна — «Ўзбекгидрогеология» давлат муассасасининг Фарбий Ўзбекистон дала гидрогеология экспедицияси гидрогеология партиялари етакчи гидрогеологи, Сурхондарё вилояти
Худойбердиева Мукаддас Абдулақовна — Гулистон туманидаги «Соҳил», «Бобвут» ва «Теракзор» маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Сирдарё вилояти
Хайдаров Илгор Баракаевич — Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиғи трактор хайдовчиси, Бухоро вилояти
Шертойлокова Гавҳарой Нуманжон кизи — «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат муассасасининг Андижон вилояти филиали бўлим бош мутахассиси
Юсупов Олим Қодиркулович — Паркент туманидаги «Сайёҳ-2000» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 25 август	

Ўзбекистон ва Қозоғистон Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қўшма дастурларни амалга оширади.

ЯПОНИЯ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ ВА ДЎСТИ

Японлар кўмағида бар-по этилган Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг маҳабатли биноси икки мамлакат ўртасидаги дўстлик тимсолига айланди. Эшитишимча, 1966 йилда Тошкентдаги зилзила пайтида ушбу бино зарар кўрмай қолган ва ҳозирда шаҳар аҳолисининг маданий масканларидан бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Япония ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистон тараққиётини изчил қўллаб-қувватлаб, доимо унинг ишончли ҳамкори ҳамда дўсти бўлиб келаётди.

Кўп йиллик тарих ва дўстликка асосланган икки томонлама муносабатларимиз изчил ривожланиб бормоқда. Япония Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотларни илгари суриш йўлидаги саяё-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, унинг ривожланишига, жумладан, инфратузилмани яхшилаш, кадрлар тайёрлаш каби соҳаларда ҳар томонлама кўмак бермоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган молиявий кредитлар ажратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмаклашиш сўнгги йиллардаги ҳамкорликка мисол бўла олади. Шунингдек, биз иссиқлик электр станцияларини, хусусан, Навоийдаги станцияни модерниза-ция қилиш орқали иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришга ёрдам беряпмиз.

Бундан ташқари, Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган муаммолар, жумладан, мураккаб иқлим шароитида барқарор қишлоқ ҳўжали-гини ривожлантириш ва техно-логиялар билан таъминлаш орқали ўз-ўзига бўлган ишончни қўллаб-қувватлаш режасини иш-лаб чиқаяпмиз. Шунингдек, биз соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш ва давлат қурилиши учун инсон ресурсларини тайёрлаш каби соҳаларда кўмакла-шамиз. Япониянинг бундай ҳис-саси замонавий Ўзбекистон ри-вожига, заррача бўлса-да, ёрдам берса, бу биз учун катта қувонч бахш этади.

Чунки Шавкат Мирзиёев Жа-ноби Олийлари 2016 йилда Президент лавозимига кириш-ганидан сўнг Ўзбекистон унинг раҳбарлигида барқарор иқтисо-дий ривожланиш сари юз тут-ди. Шу муносабат билан Япо-ния ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар кейинги йилларда тобора жадал ривожланимоқда. Президент



Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг 2019 йил де-кабрь ойида Японияга буюрган ташрифи икки томонлама стра-тегик шериклик муносабатлари-ни сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарди ва турли со-ҳалардаги ҳамкорлиқни ривож-лантиришда муҳим босқич бўлди.

Ўшандан бери ҳар икки дав-лат энергетика ва қишлоқ ҳўжа-лиги соҳаларида янги шериклик-ни илгари сурмоқда, ўзаро иш-билармонлик муҳитини янада яхшилаш, шунингдек, минтақа-вий ва академик алоқаларни мустаҳкамлаш орқали кенг кўламли гуманитар алмашину-вларни амалга оширишга ҳара-кат қилмоқда.

Марказий Осиёнинг аҳамия-тига ўз вақтида эътибор қарат-ган ҳолда, Япония катализатор сифатида минтақавий ҳамкорлик жараёнини мустақил олға сил-житиш учун мамлакатларига шарт-шароит яратиш мақсади-да 2004 йилда дунёнинг бошқа давлатларидан ўзиб, “Марказий Осиё + Япония” мулоқот фор-матини ташкил этди. 20 йилдан ортиқ вақт давомида узлуксиз амалга оширилаётган кўплаб сиёсий мулоқотлар ва гумани-тар алмашинувлар, жумладан, шу кунгача 9 марта ўтказилган ташқи ишлар вазирлари учра-шувлари Япония ва Марказий Осиёни боғловчи мустаҳкам бўлиб келади.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё мустаҳкам иқтисодий ри-вожланишга эришди ҳамда

унинг Европа ва Осиёни боғ-ловчи муҳим савдо йўли сифа-тидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, Япония то-мони халқроқ вазиятнинг ўзга-риши муносабати билан Мар-казий Осиё давлатлари турли таъсир турларини бошдан ке-чираётганини яхши тушунади. Айнан ҳозир, Марказий Осиё ат-рофидаги вазият кескин ўзга-риб бораётган бир пайтда, мин-тақавий ҳамкорлик зарур.

Бундай вазиятда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш, дав-лат чегаралари ва сув ресурс-лари каби муҳим масалалар бўйича конструктив ва тинч му-лоқотни таъминлашда етакчи роль ўйнамоқда.

Бу йўналиш “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти мақсади-га тўлиқ мос келади. Мавжуд ва-зиятни инobatга олган ҳолда, Япония томони “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасида минтақа билан муносабатлари янада мустаҳкамлаш, биргалик-да қонун устуворлигига асослан-ган эркин ва очиқ халқроқ тар-тибни қатъий қўллаб-қувватлаш ниятида. Ташрифидан асосий мақсад ҳам шу.

27 август куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазирини Бахтиёр Саидов билан кечадиган учра-шувда, икки давлат ташқи сиё-сат идоралари раҳбарларининг биринчи стратегик мулоқоти до-ирасида сиёсат, иқтисодий ва маданият каби турли соҳалар-даги муносабатларни янада ри-вожлантириш, халқроқ қақриқ-ларда биргаликда жавоб бериш масалалари юзасидан самимий фикр алмашамиз.

Япония томони Ўзбекистон-нинг иқтисодий ривожланиши-га кадрлар тайёрлаш, “яшил” энергия, асосий ижтимоий хиз-матлар сифатини ошириш ҳамда бошқа йўналишларда кўмаклашишда давом этади ва шу орқали жадал ривожланаёт-ган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик салоҳия-тини ривожлантиради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардимки, жорий йилнинг апрель ойида Осака шаҳрида бошланган “Келажак жамиятини ҳаётимиз учун лойиҳалаш” мавзусидаги бутунжаҳон кўргазмасида “Билимлар боғи” (“The Garden of Knowledge”) концепцияси акс эттирилган Ўзбекистон павильонига ҳар куни кўплаб меҳмонлар ташриф буюрмоқда. 17 август куни Ўзбекистон миллий кўнига бағишлаб Президент Администрациясининг Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти раҳбари Гаенэ Умерова хоним иштирокида жуда қизиқарли тадбир бўлиб ўтди.

Умид қилаймизки, ЭКСПО кўргазмаси икки мамлакат ўртасидаги турли даражадаги иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим туртки бўлиб хизмат қилади. ЭКСПО тугашига салкам бир ярим ой вақт қолди, бу вақт ичида Японияга янада кўпроқ Ўзбекистон фуқаролари ташриф буюради, деган умиддамиз.

Такеси ИБАЯ, Япония ташқи ишлар вазирини Токио

БИР-БИРИДАН УЗОҚДА БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ҲАМ УЗИЛМАС РИШТАЛАР ЯРАТИЛИШИ МУМКИН

Ўзбекистоннинг Иорданиядаги фахрий консули Луай Абу-Фаззолий “Дунё” АА учун интервьюсида Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг Ўзбекистонга бошланган давлат ташрифи ҳақидаги фикрларини билдирди:



■ Эксклюзив интервью

— Осиёнинг турли бурчак-ларида жойлашган Ўзбекистон ва Иордания бир қараш-да бир-биридан тубдан фарқ қиладиган мамлакатлардек туюлиши мумкин. Ўзбекистон ўзининг бой Буюк Ипак йўли мероси ва кенг даштлари би-лан Иорданиянинг қадимий Инжил ландшафтлари ва чўлларида фарқ қилады. Бироқ чуқурроқ ўрганиб чиқсак, икки давлат ўртаси-да ислом аънаналарига асос-ланган маданий алоқалардан тортиб, барқарорлик ва та-раққиётга умумий урғу бе-ришгача чуқур ўхшашлик борлиги аён бўлады.

Сўнгги йилларда, айниқса, 2025 йилда икки томонлама муносабатлар мисли қўрилмаган юксакликка етди, бунга юқори даражадаги ташрифлар, иқтисодий келишувлар ва маданий алмашинувлар таъсир кўрсатди. Ўзбекистоннинг Иорданиядаги фахрий консули сифатида мен шахсан ўзим ҳеч қачон қузатилмаган динамик мулоқотнинг гувоҳи бўлдим ва ишончим комилки, келгусида ҳамкорлик қилиш имкониятлари жуда катта.

2025 йил Ўзбекистон ташқи ишлар вазирини Бахтиёр Саидовнинг Аммонга ташри-фи билан бошланди. Басман саройида Иордания Под-шоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн билан бўлиб ўтган учрашувда вазир Ўзбекис-тон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шахсий мак-тубини тақдим этди.

Иордания Бош вазирини ўринбосари, ташқи ишлар ва муҳожирлар вазирини Айман Сафадий билан бўлиб ўтган музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ма-салалари муҳокама қилинди. Ташриф якунида асосий ке-лишувлар, жумладан, дипло-матик паспорт эгалари учун визадан озод этиш ва икки томонлама ҳамкорлик дасту-

ри имзоланди. Мазкур кели-шувлар алмашинувларни осонлаштириб, халқлар ва расмий алоқаларни мус-таҳкамлашга содиқликнинг рамзига айланди.

Ташқи ишлар вазирлари йил давомида мунтазам ало-қада бўлди. Улар Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши каби кўп томонлама тадбир-лар доирасида учрашиб, минтақавий барқарорлик ва ислом бирдамлиги йўлида муштарак манфаатларни таъкидлашди. 6 август кун-ги телефон орқали мулоқот истиқболдаги қўшма таша-ббуслар кун тартиби-ни илгари суриш йўлидаги яна бир қадам бўлди.

Июнь ойида Ўзбе-кистоннинг Иорда-ниядаги элчиси (қароргоҳи Ар-Риёд шаҳрида жойлаш-ган) Нодиржон Тур-ғунов Подшоҳ Аб-дулла II ибн ал-Хусайнга ишонч ёрлиқларини топши-риб, дипломатик му-носабатларни мус-таҳкамлади.

Иқтисодий дипло-матия август ойида Ўзбекис-тон инвестициялар, саноат ва савдо вазирини Лазиз Қудра-товнинг Иорданияга ташрифи билан янги динамика олди. Бу ташриф чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий имкониятлар ва қўшма кор-хоналарни ривожлантириш масалаларига алоҳида эъти-бор қаратилди. Вазир Лазиз Қудратов Иордания инвести-ция вазирини ва бошқа муҳим шахслар, жумладан, Иорда-ния фосфат компанияси ва-киллари билан учрашувлар ўтказиб, тоғ-кон саноати, фармацевтика ва ўғит саноа-ти соҳаларида ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳока-ма этди.

Жорий йил аввалида Иор-дания Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат

палатаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзо-ланди. Мазкур ҳужжат икки мамлакат ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим пойдевор бўлди. Ўзбе-кистон Савдо-саноат палата-си раиси Даврон Ваҳобов ҳам иқтисодий масалаларни муҳо-кама қилиш, қишлоқ ҳўжали-ги ва технология каби соҳа-ларга эътибор қаратиш мақ-садида Аммонда бўлди.

Маданий алмашинувлар Ўзбекистон — Иордания му-носабатларига алоҳида турт-ки бермоқда. Шу йил май ойида Таълим, фан ва мада-ният масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти (ICESCO) Самарқанд шаҳрини “Ислом дунёсининг маданий пойтахти” деб эълон қилиш бўйича тад-бирини ўтказди. Ушбу фахрий унвон Ўзбекистоннинг буюк цивилизациялар чорраҳаси си-фатидаги тарихий ролини яна бир бора тасдиқлади.

Тадбир доирасида Иорда-ния маданият вазирини бошчи-лигидаги делегация маданий меросни асраб-авайлаш ва қўшма дастурлар ишлаб чи-қиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Самарқанд-га ташриф буюрди. Бу таша-ббуслар Бухородаги маҳабат-ли масжидлардан тортиб, Ак-лун қалъаси каби Иордания-нинг тарихий ёдгорликларига-ча бўлган мамлакатларни бир-лаштирувчи умумий ислом меросини мустаҳкамлайди.

Таълим соҳаси ҳамкорлик-нинг яна бир муҳим йўнали-ши. Иорданияда тахсил олаётган ўзбекистонлик тала-балар сони ортиб бормоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон ахборот технологиялари, тиб-биёт ва қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда алмашинув дастурларини тақкиф қилиш орқали иорданиялик талаба-лар учун имкониятлар яратил-моқда. Бу саяё-ҳаракатлар нафақат инсон капиталини ривожлантириш, балки халқ-ларимиз ўртасидаги алоқа-ларни мустаҳкамлашга ҳам замин яратади.

Ўзбекистон ва Иордания-нинг ўхшаш жиҳатлари кўп.

Фахрий консул сифатида бу жадаллик халқларимизга сезиларли даражада фойда келтириб, Осиё бирдамлиги-нинг энг яхши намунаси бўлган ҳамкорлиқни ривожланти-ришига умид қиламан. Ўйлайманки, халқларимиз ўртаси-даги алоқалар янада мустаҳкамланади ва хатто географик нуқтаи назардан бир-биридан узоқ бўлган мамлакатлари-миз ўртасида узилмас ришталар яратилади.

“Дунё” АА. Аммон

ТАРИХ ВА ТАМАДДУННИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Иордания ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Президентимизнинг таклифига биноан, Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн 25-26 август кунлари мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлиб тургани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Акс садо



Олий мартабали меҳмон ишти-рокидаги асосий тадбирлар Са-марқанд шаҳрида бўлиб ўтаяпти. Саммит доирасида сиёсий, сав-до-иқтисодий ва инвестициявий шериклиқни ривожлантириш, кимё ҳамда фармацевтика сано-ати, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачи-лик, қончилик ва бошқа муҳим тармоқларда янада самарали ҳам-корликни йўлга қўйиш масалала-ри муҳокама этилади. Шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган ўзаро манфаатли келишувлар им-золанади.

Таъкидлаш жоизки, Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги — Яқин Шарқнинг юрагида жойлашган, тарихий мерос ва маданияти би-лан ажралиб турадиган давлат. Табиий ресурслари чекланганига қарамасдан, мамлакат сиёсий

барқарорлик ва иқтисодий тарақ-қиётга интилиб, туризм, молия ва транспорт соҳаларида таянади ҳамда фосфат захираларига эга. Бироқ сув танқислиги, энергияга қарамлик ва минтақавий беқарор-лик унинг ривожланишини чеқлаб туради. 11 миллиондан ортиқ аҳолига эга Иордания ҳудуди 89,3 минг квадрат километр бўлиб, пойтахти — Аммон шаҳри. Давлат тузуми конституциявий монархия бўлиб, маъмурий жиҳат-дан 12 муҳофазага бўлинган.

Мамлакат Яқин Шарқда инсон эркинлиги бўйича етакчи, иқтисо-дий эркинлик рейтингида эса ҳа-ҳонда еттинчи ўринда туради. Но-минал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 41,8 млрд. доллар, жон бошига даромад эса 4,2 минг долларни ташкил этади. Кучли жиҳатлари — фосфат экспорти, меҳнат ресурс-

лари ҳамда Ақаба порти, заиф то-монлари эса ишсизлик, савдо ба-ласи манфийлиги ва қочкинлар оқими. Шунга қарамай Аммон минтақанинг муҳим молиявий маркази бўлиб, банк, сўғурта ҳамда инвестиция хизматлари ривож-ланган. Иқтисодиёт экспорт-им-портга таянади, асосий шерикла-ри АҚШ, Саудия Арабистони ва Европа Иттифоқи давлатлари. Иордания тарихий шаҳарлар ҳамда табиий гўзалликларга бой — Петра, Ўлик денгиз ва Вади Рам каби масканлар дунёнинг турли бурчагидан сайёҳларни ўзига чорлайди. Айниқса, қоялар-га ўйиб ясалган Петра шаҳри дунёнинг янги етти мўъжизасидан бири сифатида эътироф этилган.

Иордания ўзининг Ўлик денги-зи ҳамда Вади Рам каби табиий гўзалликлари, меҳмондўст халқи ва бой миллий таомлари билан машҳур. Мамлакат пиёда сайр, альпинизм ва Қизил денгизда шўнғиш каби фаол дам олиш им-кониятларини тақкиф қилады, шу-нингдек, ислом, насронийлик ва яҳудийлик учун муқаддас жойла-ри билан муҳим диний марказ ҳисобланади. Конституциявий мо-нархия тартибида бошқарилади-ган Иорданияда Подшоҳ кенг ва-колатларга эга бўлиб, парламент икки палатадан иборат, қонунчи-

лик эса шарият ва Европа ҳуқуқий аънаналари уйғунлигига асосла-нади.

Ўзбекистон Иордания билан кўп йиллик алоқаларга эга бўлиб, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкило-ти ва ICESCO доирасида ҳам ше-риклик қилиб келмоқда. Иккала халқ ҳам қадимий меросларни сақловчи ва жаҳон маданиятига ўз хиссасини қўшган. 2024 йилда мамлакатимизга келган Иордания маликаси Дана Фирас келгусида моддий-номоддий мерос, санъат ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳим мақсад экан-ини таъкидлаган эди.

Айтиш кераки, Ўзбекистон — Иордания сиёсий соҳада ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган йили мамлакатларимиз ташқи иш-лар вазирлари учрашувда икки томонлама муносабатларни ри-вожлантириш, иқтисодий ва сайё-ҳлик алоқаларини кенгайтириш ҳамда халқлар ўртасидаги ҳамжи-ҳатлиқни мустаҳкамлаш масала-лари муҳокама этилиб, якунда дипломатлар учун визасиз режим ҳақида ҳукуматлараро битим ҳамда 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Қолаверса, икки мамлакат ўрта-сидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Иор-

дания бизнеси Ўзбекистон бозо-рига катта қизиқиш билдирмоқда. “National Arab Mining Co.”, “Jordan Phosphate Mines Co.”, “Classic Fashion Apparel Industry” ва бошқа йирик компаниялар билан қатор лойиҳалар юзасидан келишувга эришилди. Бу савдо-иқтисодий алоқаларда янги саҳифа очди. Нефть захираларига эга бўлган Иордания фармацевтика, тўқима-чилик ҳамда хизматлар соҳасига асосланган диверсификацияланган иқтисодиёти билан қимматли ҳам-кор сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Иордания Мар-казий Осиё ҳамда Яқин Шарқда тинчлик, барқарорлик ҳамда тер-роризм ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорлиқни муҳим, деб билади. Сиёсий маслахатлашув-лар икки давлатни халқроқ муам-моларга умумий ёндашувда яқин-лаштирмоқда.

Шу билан бирга, транспорт йўлакларини ҳамда логистика соҳа-сида ҳамкорлик транзит салоҳия-тини ошириши мумкин. Туризм ва маданият соҳаларида қўшма лойиҳалар тарихий меросни тарғиб этиш ҳамда халқлар ўрта-сида дўстликни мустаҳкамлайди. Умуман, сиёсий, иқтисодий ва гу-манитар йўналишлардаги ҳамкор-лик барқарорлик ҳамда ўсишга хизмат қилмоқда.

Ҳар икки мамлакатда ҳам аҳоли барқарорлик, иқтисо-дий ривожланиш, глобал му-аммоларга қарши курашда маданий аънаналарни сақ-лашни қадрлаб, ўз етакчи-ларини фаол қўллаб-қув-ватламоқда. Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев-нинг аънаналарга ҳурмат би-лан иқтисодиётни модерни-зация қилиш борасидаги ис-лохотлари юксак баҳоланмоқ-да. Худди шундай, Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Хусайннинг доно ва инклюзив бошқарув йўли ҳамда минтақавий му-раккабликларни ҳал этиш қобилияти билан Иордания-да юксак ҳурматга сазовор бўлди.

Ҳамкорлик салоҳияти жуда юқори. Туризм, айниқса, ис-тиқболли йўналиш сифатида ажралиб туради. Регистрон майдони каби Ўзбекистонда-ги ЮНЕСКО объектлари иор-даниялик сайёҳларни ўзига жалб қилиши мумкин, Иорда-ниядаги Ўлик денгиз ва Вади Рам эса ўзбеклар учун ноёб тажрибаларни тақдим этади. Виза режими-нинг яхшилани-ши ва тўғридан-тўғри авиа-қатновларни йўлга қўйиш би-лан сайёҳлар оқими сезилар-ли даражада ошиши мумкин. Иқтисодий нуқтаи назардан, қайта тикланидаги энергия манбалари, тўқимачилик ва озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар Ўзбекистоннинг табиий ресурслари ва Иор-даниянинг стратегик жойла-шувидан фойдаланган ҳолда катта салоҳиятга эга.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги 25 август куни бошланган олий даражадаги музокаралар мамлакатлари-миз ўртасидаги ўзаро муно-сабатларда янги саҳифа — ўзининг интенсивлиги ва кўлами бўйича мисли қўрил-маган бобни очади.

Дипломатик босқичлардан тортиб, иқтисодий келишув-лар ва маданий синергиялар-гача бўлган ўзаро таъсирлар мамлакатларимиз ва халқла-римиз фаровонлиги учун мустаҳкам пойдевор яратади.

ТАШРИФ ДОИРАСИДАГИ ТАДБИРЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?



Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Ўзбекистон делегациясининг шу йил сентябрь ойида Беларусь Республикасига амалга оширадиган ташрифи доирасида ўтказилиши режалаштирилган қатор тадбирларга тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш

доирасидаги асосий тадбирларни юқори даражада ташкил этиш, устувор мавзулар ва ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди.

Жумладан, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, енгил sanoat, тиббиёт, таълим ҳамда туризм соҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон — Беларусь тадбиркор аёлларининг учинчи бизнес форумида 7 та мавзу билан боғлиқ секциялар ўтказилади. Улар доирасида тегишли соҳалар бўйича тажриба алмашиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Шунингдек, ташриф доирасида Витебск шаҳрида "Made in Uzbekistan" миллий кўргазмасини ўтказиш ҳам назарда тутилган. Унда мамлакатимизнинг озиқ-овқат, фармацевтика, енгил sanoat, туризм, хунармандчилик ва электроника соҳаларида фаолият юритаётган 50 дан зиёд тадбиркор аёлларнинг махсулотлари намойиш этилади.

Йиғилиш якунида бизнес форумини юқори савияда ўтказиш бўйича вазирлик ва идоралар масъулларига аниқ топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигида "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти танловини ўтказиш бўйича Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, қатор вазирлик ҳамда идоралар вакилларидан иборат ташкилий кўмитанинг дастлабки мажлиси ўтказилди.

Танлов

Таъкидлаш керакки, "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида таъсис этилган.

"Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти танлови мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга муносиб хисса қўшган фуқаролик жамияти институтлари, фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

томонидан ҳар икки йилда ўтказилиши назарда тутилган. Ушбу танлов жорий йилда илк маротаба ташкил этилмоқда. Танловда қуйидаги 8 та номинация бўйича ғолиблар аниқланади: — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоячиси; — ёшлар сиёсати соҳасидаги ташаббускор етакчи; — маҳаллалардаги жамоатчилик тизимларининг фаоли; — энг фаол жамоатчилик назоратчиси; — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича фаол ва ташаббускор; — ижтимоий инновациялар ва ривожланиш бўйича энг фаол ва ташаббускор; — инклюзив жамият барпо этиш бўйича энг фаол ташаббускор; — меценатлик фаолияти бўйича энг фаол ва ташаббускор.

Ғолиблар ташкилий кўмита ҳулосаси ҳамда кенг жамоатчилик фикри асосида аниқланади ва номинациялар ғолиблари — биринчи ўрин БХМнинг 50 баравари, иккинчи ўрин БХМнинг 40 баравари, учинчи ўрин БХМнинг 30 баравари миқдоридан пул мукофоти, махсус статуэтка ва сертификат билан тақдирланиши таъкидланди.

Танловда қатнашиш учун 2025 йилнинг 1 октябрга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик

жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмаларига сўнгги икки йилда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари, фаол жамоатчилик вакиллари ва ташаббускор фуқаролар шахсий маълумотлари, фаолияти ҳамда эришган ютуқларини акс эттирувчи ҳужжатлар билан бирга ариза топшириши мумкин.

Мажлис якунида танлов ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, ғолибларни шаффоф тизим орқали аниқлаш ҳамда танловни ўтказиш пул мукофоти, махсус статуэтка ва сертификат билан тақдирланиши таъкидланди.

Танловда қатнашиш учун 2025 йилнинг 1 октябрга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик

«Халқ сўзи».

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БУГУННИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, битирувчи ёшларни иш билан таъминлашнинг ҳолати билан танишмоқда. Қашқадарё вилоятида Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Зумрад Бекатова иштирокида ёшлар, хусусан, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Сенат ва ёшлар

Йиғилишда ёшлар бандлигини ошириш, замонавий меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, олий ўқув юртли ва иш бевуви чилар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда меҳнат бозорида рақобатбардорш, ихтисослашган мутахассисларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Шу муносабат билан битирувчиларни амалий касбий фаолиятга тайёрлаш, уларнинг реал секторда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш долзарб

аҳамият касб этмоқда.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича махсус вилоят штаби ташкил этилди. Ушбу штаб фаолияти доирасида битирувчилар билан ишлашнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилиб, ҳар бир мутасадди ташкилот олди-га вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳ аъзоларига тегишли тавсиялар ва кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА СЕНАТОРЛАР ФАОЛИЯТИ КЎНГИЛДАГИДЕКМИ?

Унда қонун ижодкорлиги жараёнида сенаторлар фаолиятини самарали ташкил қилиш, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш масалаларига ва депутатлик сўровлари, мурожаатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди.

"E-kengash" ахборот платформаси имкониятлари орқали маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш, жамоатчилик назорати механизмларини кенгайтириш ва вакиллик органлари самарадорлигини ошириш борасида амалий тавсиялар берилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституция ҳамда Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор йўналишлар асосида Сенат ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва аҳолининг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлашга қаратилган қонунчилик ташаббуслари муҳокама қилинди.

Сенаторлар якунида ҳудудий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда вакиллик органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСМИЗ

Мустақиллик — аввало, халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берган улугъ неъмат. Истиқлол сабаб юртимиз дунёга қайта юз очди. Уч минг йиллик давлатчилик тарихимизда янги саҳифа очилди. Инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлашга барча саъй-ҳаракат йўналтирилди.

Мушоҳада

Албатта, буларнинг замирида мустақиллик берган имкониятлар мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Айниқса, сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги тарихий ислохотлар жадал олиб борилди. Барча жаҳада рўй бераётган улкан ўзгаришлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва фаровон ҳаётга интилишини мустаҳкамлапти. Бугун биз фахр билан айта оламизки, Ўзбекистон янги тарихий босқичга қадам қўйди.

Аввало, Конституциямизнинг янги таҳрирда қабул қилинган халқчил ислохотлар учун пойдевор вазифасини ўтаётганини таъкидлаш лозим. Зеро, Бош қомусимизда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" дея мустаҳкамланган қоида ҳаётимизда яққол асқ этмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратмай туриб, адолатли жамият қуриш имконсиз. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгани, "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" каби механизмлар яратилгани аҳолининг камбағал қатламларини қўллаб-қувватлашда қўл келмоқда. Ушбу дастурлар орқали ҳар йили қийин вазиятга тушиб қолган қарийб 540 минг оилага турли кўринишдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Натижада 2017 — 2024 йилларда 3,5 млн. нафардан ортиқ фуқароларга моддий ва ҳуқуқий кўмак берилди, 2,2 миллионга янги иш ўрни яратилди, камбағалликнинг сезиларли даражада пасайишига эришилди.

2025 йилда Давлат бюджети харажатларининг 52 фоизи, яъни 177,7 трлн. сўм турли соҳаларга — таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа ижтимоий йўналишларга ажратилгани ҳам юртимизда инсон қадри тобора улуғланиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Инклюзив таълим тизими йўлга қўйилгани эса имконияти чекланган ёшларга сифатли билим беришга замин яратди. Шу кунгача инклюзив таълим жорий этилган мактаблар сони 947 тага етказилиб, унга 2 минг нафарга яқин ўқувчилар қамраб олинди.

Амалиёт билан ўйгунлики кучайтириш мақсадида йўлга қўйилган дуал таълим тизимида бугунги кунда 15 минг талаба 957 та турли корхонага бириктирилди.

Билимни, салоҳиятни қизларга берилаётган имтиёзлар қўламини ҳам салмоқли. Бакалавр босқичида тўлов-шартнома асосида таълим олаётган қизларга 7 йилгача фоизсиз кредит ажратилаётгани, магистратура босқичига кирган қизларнинг шартнома тўловлари бюджет ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилаётгани ҳам Бош қомусимизда қайд этилган "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар залварини кўрсатиб турибди.

"Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари" шiori доирасида сўнгги 8 йилда 1,5 млн. нафар йигит-қиз ахборот технологияларига ўқитилди, 500 минг нафар ёш ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Бу чоралар уларни янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Саккиз йиллик тарих кўз олдимиздан ўтар экан, ислохотлар замирида халқи-

мизга муносиб турмуш шароити яратиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, мамлакатимиз халқро нўфузини ошириш каби эзгу мақсад турганини ҳис этамиз.

Давлат хизматларининг рақамлаштирилиши билан фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлишига чек қўйилди, коррупция жинговлана бошлади. Меритократия принципи асосланган давлат хизмати мамлакат бошқарувини самарали ва очиқ қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Иктисодиётдаги дадил қадамлар ҳам қачонлардир қўл етмас орзу бўлгани ҳақиқат. Солиқ ставкалари қисқариши, субсидия ва имтиёзли кредитлаш тизимлари тадбиркорлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйишига, янгидан-янги корхоналар ишга тушиши ва ун минглаб иш ўринлари очилишига замин яратди. Валюта сиёсатининг либераллашуви ҳам халқимизни йиллар давомида қийнаб келаётган масалалардан бири эди.

Халқ — ҳар қандай давлатнинг энг асосий бойлиги. Шу маънода, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Зотан, халқи соғлом мамлакатгина ёрқин келажак ҳақида орзу қилиши мумкин. Юртимизда бу жиҳатга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Марказдан олис ҳудудларда ҳам янги шифохоналар барпо этилаётгани, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланаётгани, малакали мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани, шифокорларимиз хорижий тажрибаларни ўзлаштираётгани соҳанинг тобора тараққий этиб бораётганидан далолат беради.

"Адолат" социал-демократик партияси ўз сайловолди дастурида "Адолатли ва мустақил суд тизимини янада такомиллаштириш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш"ни бош мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Эътиборлиси, айнан истиқлол берган имкониятлар сабаб суд-ҳуқуқ тизими ҳам ислохотларга юз тутди. Сўнгги 8 йилда ушбу жараён янада жадаллашди. Маъмурий судловнинг алоҳида тизим сифатида ажратилгани, ҳўжалик судлари негизда иктисодий судлар ташкил қилиниб либераллаштирилгани, "Рақамли суд" тамойили амалиётга жорий этилаётгани судларга халқимиз ишончининг ортишига, ортиқча бюрократия ва оворагарчиликларга чек қўйилишига замин яратди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам салмоқли ишлар рўёбга чиқяпти. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани жамиятнинг мазкур иллатга қарши умумий сафарбарлигини таъминлаш учун улкан сиёсий ирода бўлди.

Юртимизда амалга оширилаётган бу каби ислохотлар нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки халқимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамламоқда. Халқнинг ишончи, саъй-ҳаракатлари ва давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан барпо этилаётган бу пойдевор бизни келгуси муваффақиятлар учун илҳомлантиради. Эндики энг асосий вазифа — эришилган ютуқларни асраб-авайлаш, уларни янада бойитиш ва ислохотларимизни янги чўққиларга олиб чиқиш. Бу йўлда халқ билан ҳамнафас бўлиб, бор имконият-салоҳиятимизни ишга солишимиз лозим.

Робехон МАХМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

Хусусий тадбиркорлик ҳар қандай бозор иқтисодиётида муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда хусусий секторни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, маъмурий тўсиқларни қисқартириш, солиқ юкни енгиллаштириш, ягона электрон тизимлар жорий этиш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари билан лицензия ва рухсатномалар сони қисқартирилиб, текширувлар тартиби соддалаштирилди.

Шарҳ

Бундай қулайликлар, Тадбиркорликни ривожлантириш ҳамжармаси орқали имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратилаётгани тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бизнес-омбудсман институтининг ташкил этилганини эса тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясининг кафолати сифатида эътироф қилиш мумкин.

Сўнгги йилларда соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллашиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида Қонунчилик палатаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, энергетика, риэлторлик фео-

лияти, транспорт, йўл инфратузилмаси, заргарлик sanoati, аграр ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида хусусий сектор улуғлини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган қўллаб қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Президентимизнинг 2021 йилдан буён тадбиркорлар билан ўтказиб келаётган очиқ мулоқот шаклидаги учрашувларда уларни қийнаётган тизимли муаммоларни ҳал этиш чораларини белгилаб бераётгани юртимизда тадбиркорликнинг янада ривожланиши, иқтисодиётимиздаги улуғлининг ортиб боришига хизмат қилаётди.

Янги Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги учрашууда ҳам давлатимиз раҳбари иқтисодиёти қудратли, sanoati рақобатбардорш, молиявий тизими барқарор, барча соҳалари инвесторлар учун жозибадор бўлган янги Ўзбекистонни барпо этишда тадбиркорларнинг хизмати беқийёс эканини айтиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш юзасидан аниқ ечимларни белгилаб берди.

Хусусан, тадбиркорларни қийнаб келаётган сертификат масаласига тўғталар экан, эндиликда импорт жараёнида мувофиқлик сертификатлари ҳар бир партияга эмас, шартномада кўрсатилган ҳажм учун берилиши ургуланди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозирга қадар импорт махсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бериладиган мувофиқлик сертификатлари ҳар бир партия учун алоҳида расмийлаштирилиб келинган. Бу эса тадбиркорларга ноқулайликлари келтириб чиқарди. Импорт махсулотларига мувофиқлик сертификатини шартномада кўрсатилган умумий ҳажм учун берилиши тадбир-

корларнинг айни дилидаги гап бўлиб, улар учун бир қатор енгилликлар яратди.

Биринчидан, ҳар бир партия учун алоҳида сертификат олиш зарурати йўқолгани сабабли лаборатория таҳлиллари, сертификатлаш хизмати учун тўланадиган тўловлар ва логистика харажатлари камаяди. Бу эса тадбиркорларга махсулот таннарини пайсантириш имконини беради.

Иккинчидан, ҳар бир партияни кутмасдан, умумий шартнома ҳажми учун олдиндан сертификат олиш орқали юкларни тезроқ расмийлаштириш имконияти яратилади. Бу билан импорт жараёнидаги кечикишлар камайиб, айланма маблағ оқими тезлашиши таъминланади.

Учинчидан, ҳар сафар алоҳида ҳужжатлар тайёрлаш, органлар билан алоқа қилиш керак бўлмагани учун бюрократик тўсиқлар камайиб, тадбиркорларнинг ўз фаолиятини самарали ташкил этишига имкон бўлади.

Тўртинчидан, умумий ҳажм бўйича бериладиган сертификатлар махсулотнинг бутун партияси учун аниқ ва ишончли сифат кафолатини тақддим этади. Бу, ўз навбатида, бозор-

да ишонч мустаҳкамланишига олиб келади.

Ушбу тартибнинг амалга оширилиши натижасида импорт жараёни либераллашади. Харажатлар камайиши ва жараёнларнинг тезлашиши маҳаллий тадбиркорларга импорт махсулотларни арзон ва рақобатбардорш нархларда таклиф этиш имконини беради. Асосийси, импорт хомашё ва бутловчи қисмларни олиб кириш осонлашади. Бу эса ички sanoat ва ишлаб чиқариш секторларига ижобий таъсир кўрсатади.

Мувофиқлик сертификатларининг шартнома ҳажми бўйича берилиши тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим ислохотдир. Бу нафақат уларнинг харажат ва вақтларини тежайди, балки умумий иқтисодий фаоллиқни оширишга, ташқи савдо ҳажмини кенгайтиришга туртки беради. Мухими, бюрократик тўсиқларнинг қисқариши ва жараёнларнинг шаффофлашиши орқали мамлакатдаги инвестиция муҳити яхшиланади.

Раҳматилло ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати.

Янги Ўзбекистон: тараққиёт йўлида барқарор ривожланиш

“Дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий суверенитети ва мустақиллиги шу мамлакатнинг халқро ҳуқуқ субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, ўз халқининг тинч ва фаровон ҳаётини, унинг энг муҳим манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган мустаҳкам сиёсий-ижтимоий замин ва куч-қудрат манбаидир”. Ушбу фикрлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 10 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда янги Ўзбекистон орта-га қайтмас демократик ислохотлар йўлидан дадил одимламоқда, прагматик ташқи сиёсат юритмоқда. Жаҳон ҳамжамияти билан очик ва фаол мулоқот олиб бориш билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш борасида кенг кўламли ислохотларни амалга оширмоқда.

Жорий йил бошида, жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшаш” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди. Айни дастурий ҳужжатга мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш қафолатлари ва институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан бажарилмоқда.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек: **“Халқимизнинг асрлар давомида турли ғоя ва амалий ҳаракатларда шаклланган орзу-интилишлари бугун Янги Ўзбекистон концепциясида муҳассам бўлмоқда”**. Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини куйидаги аниқ далил ва рақамлар яққол кўрсатиб турибди:

■ миллий иқтисодиёт жадал ўсиши натижасида қисқа даврда тарихда биринчи марта мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 110 миллиард АҚШ долларидан ошди;

■ юртимизда мактабларнинг янги модели — ижодий, ихтисослаштирилган ва Президент мактаблари тизими яратилиб, мактабгача таълим тизимида қамров даражаси 2017 йилдаги 27 фоиздан ҳозирги 77 фоизга, олий таълимда 9 фоиздан 42 фоизга ўсди;

■ спортчиларимиз илк бор Париж Олимпиадаси ва Паралимпиадасининг кучли ўн бешта жамоаси қаторига кирди, Ўзбекистон тарихида биринчи марта футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси, шунингдек, футбол бўйича миллий терма жамоа жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

Янги Ўзбекистоннинг прагматик дипломатияси

Дунёнинг турли минтақаларида қуролли можаролар, экологик ва техноген офатлар, иқтисодий инқирозлар, “савдо низолари”, терроризм ва экстремизм хавфи кундан-кун кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги шундай ўта мурракб шароитда мамлакатимизда янги Ўзбекистон тамойили асосида тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масалаларига устувор аҳамият берилаётгани эътиборга лойиқдир.

Глобал ўзгаришлар, янги қаҳриқчи ва таҳдидлар шароитида **янги Ўзбекистон дипломатияси** мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва давлатнинг халқро имижини яхшилашда сезиларли ютуқларга эришдик.

Сўнги йилларда давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли минтақанинг қардош давлатлари билан дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилди. Жаҳон сиёсатида **“Марказий Осиё руси”** ва **“Марказий Осиёё қисёси”** каби тушунча ҳамда воқеликлар пайдо бўлди.

Марказий Осиёёда ишонч ва шерикликнинг янги даражасига эришилгани жадал ўзгаришларга жўшқин суръат бағишлади. Жорий йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегаралари туташган нуқтада **“Дўстлик стелласи”** ўрнатилгани ўртаимизда мустаҳкамланиб бораётган яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг яна бир тасдиғи бўлди.

Бугунги кунда **“Янги Марказий Осиёё”** концепцияси реал воқеликка айланмоқда, минтақада ягона транспорт-логистика макони шаклланмоқда. Минтақамиз жадал ривожланиб, иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаоллик маркази сифатида намоён бўлмоқда. Марказий Осиёё оламшун-

мул тарихий имкониятлардан фойдаланиб, яхши қўшничилик ва хавфсизлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконига айланмоқда.

Марказий Осиёёни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги тўлақонли транзит хабиға айлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада кейинги йилларда Ўзаро савдо ҳажми 4,5 баробар, инвестициялар эса икки баробар кўпайди. Қўшма корхоналар сони беш баробар ортди. Жорий йилда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланди. Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия транспорт йўлағи орқали юк ташиш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Фаол ва прагматик ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон **халқро сиёсатининг марказларидан бириға ва глобал ғоялар ташаббускорига айланмоқда**. Шу йил 3-4 апрель кунлари Самарқандда Европа кенгаши президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси президенти Урсула фон дер Ляйен иштирокида **“Марказий Осиёё — Европа Иттифоқи”** биринчи саммити ўтказилгани бунинг яна бир тасдиғидир. Саммит Ўзбекистон Президенти раислиғида ҳамда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон етакчилари иштирокида бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, **Самарқанд иқлим форуми** — Марказий Осиёёда биринчи марта шундай даражадаги, яъни экология ва барқарор ривожланиш масалаларига тўлиқ бағишланган тадбир ўтказилди. Форум минтақа учун муҳим воқеа бўлди ва халқро ҳамжамият эътиборини тортиди: унда БМТ Бош қотибнинг учта ўринбосари, йирик экологик ташкилотлар раҳбарлари, 30 дан ортиқ мамлакат ва халқро агентликлар, жумладан UNCCD, FAO, UNIDO, UNECE ва ICBA вакиллари, шунингдек, экология вазирлари ва экспертлари иштирок этди.

Парламент мезонлари ва бугунги Ўзбекистон

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 2025 йил 5 — 9 апрель кунлари сайёраимиз миқёсидаги яна бир муҳим тадбир ташкил этилди. Бу ўринда **“Ижтимоий ривожланиш ва адолат йўлидаги парламент ҳаракатлари”** мавзусида бўлиб ўтган **Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси** ҳақида сўз бормоқда.

Ассамблея доирасида **Ёш парламентарийлар глобал форуми ва Халқаро хотин-қизлар парламент форуми** ўтказилди. Форумда 140 дан ортиқ мамлакатлардан 2 мингга яқин парламентарийлар, шунингдек, 20 дан ортиқ халқро ва парламентлараро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Марказий Осиёё тарихида биринчи марта ушбу тадбир Ўзбекистонда бўлиб ўтди. Бу, шубҳасиз, Президентимиз раҳбарлиғида мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, шунингдек, парламентаризмин ривожлантириш бўйича кенг кўламли саёй-ҳаракатлар халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг ёрқин самарасидир.

Форумнинг якуний дастурий ҳужжати — **“Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати” Тошкент декларациясининг** қабул қилиниши кўп кунлик мунозараларнинг мантиқий ҳосиласи ва халқро парламент ҳамжамиятининг ҳозирги замон устувор муаммолари бўйича консенсусининг ўзига хос ифодаси бўлди. БМТ Бош Ассамблеяси 79-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тасдиқланган Тошкент декларацияси стратегик ҳусусиятга эға бўлиб, глобал хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш, ижтимоий адолат ҳамда инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни илғари суриш, ёшлар ва инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш соҳасида парламент ҳаракатларининг кенг қамровли ҳадли дастури ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, **“Ўзбекистон — 2030”** стратегиясида парламент институтини янада ривож-



лантириш масалалари устувор вазифалар қаторига киритилган. **Сўнги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди**.

Парламентнинг Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назорат механизмлари, шунингдек, парламентлараро ҳамкорлик имкониятлари янада кучайтирилди. **Ҳозирги вақтда Олий Мажлис палаталари қарийб 100 та хорижий парламент билан яқин алоқалар ўрнатган, 80 та дўстлик гуруҳи ва парламентнинг қўшма комиссиялари самарали фаолият юритмоқда**.

Янги аралаш сайлов тизими асосида ўтган сайловлар ва аёл номзодлар учун квотанинг қўлайтирилиши сиёсий партияларнинг сезиларли таъсири ва янги гендер мезонига эға бўлган янада профессионал ва масъулиятли парламентнинг шаклланишиға ёрдам берди. **Бугунги кунда миллий парламентда аёллар улуши 38 фоизға етди ва бу кўрсаткич Парламентлараро Иттифок томонидан Осиёё минтақасида сўнги 30 йилдаги энг юқори ўсиш сифатида баҳоланди**.

Кўйи палатада парламент кўпчилиғи ва муҳолифат шакллантирилди. Бундан ташқари, ўзини парламент муҳолифати деб эълон қилган сиёсий партиялар фракцияларига қўшимча ҳуқуқлар беришнинг назарда тутувчи парламент муҳолифати ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича қонунчилик даражасида чора-тадбирлар қабул қилинди. Яъни парламент муҳолифати ҳуқуқларининг сони 3 тандан 6 таға кўпайди. Хусусан, бу ўринда:

■ қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўйиб чиқилганға қадар қонун лойиҳасининг ёки унинг айрим қоидаларининг муқобил тахририни киритиш ҳуқуқи;

■ Қонунчилик палатасида битта қўмита раиси лавозимини ва иккита қўмита раисининг ўринбосари лавозимини эгаллаш ҳуқуқи;

■ “Ҳукумат соати” ва парламент сўрови доирасида ҳар чоракда қамида битта масала киритиш ҳуқуқи мисолидаги янги ҳуқуқлар ҳақида сўз бормоқда.

Парламент муҳолифати Қонунчилик палатасининг ялли мажлиси баённомасига муҳокима қилинаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини ҳам киритиши мумкин. Шунингдек, Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакиллари-нинг қафолатли қатнашиши ҳуқуқиға эға.

Бундан ташқари, ушбу ўзгаришлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ҳудудларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари кенгайтирилди: улараға 30 дан ортиқ ваколатлар ўтказилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида маҳаллий Кенгашларнинг ролини кучайтиришнинг назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилға қадар ривожлантириш концепцияси** амалға оширилмоқда.

Бундан ташқари, ҳокимлар депутатлар ва жамоатчилик олдида ҳисобот берадиган “Кенгаш соати” институти жорий қилинмоқда. Шунингдек, давлат божлари, жарималар, йиғимлар каби даромадларнинг бир қисмини маҳаллий бюджетлар фойдасига қайта тақсимлаш тақлиф этилмоқда.

Кенгашлар ҳузусида Олий Мажлис палаталари қошида тузилган Ёшлар

парламентларига монанд Ёшлар гуруҳлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллалар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва илмий доиралар вакиллари иштирокида маслаҳат гуруҳлари ташкил этилади. Эндиликда маҳаллий Кенгашнинг доимий комиссияларида вилоят, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари лавозимига номзодлар дастлабки тарзда муҳокама қилинади ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурлари эшитилади.

Маълумки, **2025 йил май-июнь ойларида Ўзбекистоннинг 208 та туман ва шаҳарларидаги 8 852 та маҳаллада маҳалла раислари сайлови ўтказилди**.

Шундай қилиб, ўтган йил давомида мамлакатимизда вакиллик демократиясининг барча унсурлари — миллий парламент, маҳаллий вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифат жиҳатдан янги асосда шакллантирилди.

Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат

Янги тахрирдаги Конституцияда **Ўзбекистон — ижтимоий давлат** эканлиғи аниқ белгиланган. Чунончи, 43-моддада давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, қамбағалликни қисқартириш чораларини кўради, фуқароларнинг касбий тайёргарлиғи ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради, дейилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясиға кўра, 2026 йилға бориб қамбағаллик даражасини 2022 йилдағига нисбатан икки баравар қисқартириш, 2030 йилгача эса қамбағаллик хавфи остида бўлган 4,5 млн. кишининг даромадини ошириш ва ижтимоий шериклик асосида 500 минг нафар малакали мутахассисни тайёрлаш режалаштирилган. Сўнги 8 йил ичида мамлакатда 7 миллиондан ортиқ кишилар қамбағалликдан чиқарилди, қамбағаллик даражаси 35 фоиздан 8,9 фоизға қамайди. Жорий йилда бу кўрсаткичга 6 фоизға тушириш мақсад қилинган.

Қамбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича асосий вазифалар ва чора-тадбирлар қонунчилик ва давлат стратегияларида мустаҳкам белгилаб қўйилган. Хусусан, “Қамбағалликдан фаровонлик сари” умуммиллий дастурини амалға ошириш бошланди. Ушбу фаолиятни жадаллаштириш учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиғи ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Ўзбекистон тажриба алмашиш ва муҳтожларни қўллаб-қувватлашға қаратилган лойиҳаларни амалға ошириш учун халқро ташкилотлар ва мамлакатлар билан барқарор ҳамкорлик қилишға интилиб келаятгани бежиз эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда, кўп қиррали қамбағаллик бўйича ўзаро мулоқот эзгу мақсадларға эришишға хизмат қиладди ва унинг якунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий тақлиф ва тавсиялар глобал миқёсда қамбағалликни қисқартиришда янги қадам бўлади.

Ўзбекистоннинг **Очлик ва қашшоқликка қарши кураш бўйича глобал иттифокқа қўшилгани** — глобал озиқ-овқат хавфсизлиғи муаммоларини ҳал қилиш ҳамда очлик, қашшоқлик ва тенгсизликка қарши фаол курашда тарихий қадам бўлди.

Йил бошидан буён бо соҳада халқро тажриба асосида шаклланган моделлар жорий этилмоқда. Хусусан, банк тизими маҳаллалар билан фаол мулоқот қилиб, аҳоли бандлигини таъминлашда қўмақлашадиган бўлди.

Бандликни оширишда касб-хунар таълими сифати асосий омил бўлиб қолмоқда. Бу муҳим омил эса иш бериувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш, хусусий секторни фаол жалб қилишни тақозо этади. Хусусан, интернет орқали бепул видеокурсларни йўлга қўйиш, шунингдек, ишлаётган фуқароларға “касбий вачуерлар”дан фойдаланган ҳолда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш имкониятини бериш кўзда тутилган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар таҳлили асосида дадил айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, халқро майдондаги ишончли ҳамкор сифатидаги мақоми сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг халқро ва минтақавий аҳамиятға молик конструктив ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
академик.



Кураш: терма жамоамиз аъзоларидан 6 та медаль

Болгариянинг Самоков шаҳрида спорт курашлари бўйича “U20” ёш тоифасидаги жаҳон чемпионати ўз якуниға етди. Мазкур мусобақада қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси уч йўналишда 2 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қамғарди.



Хусусан, юнон-рум кураш-чимиз Айтжан Халмаханов олтин медалға сазовор бўлди. 63 килограммгача вазн тоифасида баҳс олиб борган юртдошимиз саралаш босқичларида Япония, нейтрал мақомада курашган Россия, Қозғистон вакиллари-ни мағлуб этган эди. Финал беллашувида эса Айтжан арманистонлик спортчини 12:2 ҳисобида енгди.

Эркин курашчимиз Шерзод Поёнов 92 килограммга-

ча вазнда Греция, Япония, Канада ва нейтрал мақомда курашган россиялик спортчиларни мағлуб этди. Ҳал қилувчи беллашувда эса қозғистонлик Камил Куруглиевни доғда қолдириб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Шунингдек, жаҳон чемпио-натида Аҳмад Қодиоров кумуш, Фаёзбек Эшмирзаев, Азим-жон Соатуллаев, Нигина Со-бирова бронза медали билан тақдирланди.

Теннис: мусобақа қизғин кечди

Фарғона шаҳрида теннис бўйича “ITF — World Tennis Tour Juniors J100” нуфузли халқро турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон, Хитой, Ҳиндистон, Польша, Россия, Беларусь ва Жанубий Кореядан келган кучли ёш теннисчилар қатнашди.

Турнир Ўзбекистон теннис федерацияси томонидан Халқро теннис федерацияси (ITF) ҳомийлиғида ташкил этилди.

Яккалик баҳсларининг ўғил болалар ўртасидаги финал учрашувида россиялик Ф. Алтухов Беларусь вакили М. Таупенетси 7:5, 4:6, 7:6(5) ҳисобида мағлуб этди. Қизлар беллашувида эса россиялик А. Ма-лова ватандоши А. Чейш-вилини 6:3, 6:1 ҳисобида

енгиб, мусобақа қолиби бўлди.

Жуфтликлар ўйини фина-лида юртдошларимиз А. Аб-дуллаев ва Д. Квасов танде-ми Польшадан В. Ез ва хитойлик теннисчи К. Кан би-лан бўлган қизғин баҳсда 6:0, 7:6(5) ҳисобида мағлуб бўлишди. Қизлар ўртасида россиялик К. Ахрамеева ва А. Харченкодан иборат жуфтлик Қозғистон вакиллари А. Какинова ва С. Тореғенини 1:6, 6:4, 10:7 ҳисобида енгди.

Гандбол: Осиё чемпионатида зафарли одимлар

Тошкентда гандбол бўйича 19 ёшли қизлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда қитъамизнинг энг кучли 10 жамоаси қолиблик учун баҳс олиб боряпти. Турнирда Ўзбекистон терма жамоаси “А” гуруҳида Хитой, Хитой Тайпейи, Гонконг ва Ҳиндистон жамоалари билан беллашди.



Осиё чемпионатининг очи-лиш ўйинида Ҳиндистон тер-ма жамоасига қарши пар-кетта чиққан қизларимиз 46:29 ҳисобида зафар қучи-ди. Вакилларимиз 2-турда янада йирик — Гонконг тер-ма жамоасидан 30 тўп фарқи билан 45:15 ҳисобида устун келди.

“Алпомиш” муз саройида ўтаётган баҳсларнинг 3-тури-да Ўзбекистон ва Хитой Тай-пейи терма жамоалари ўр-тасидаги учрашув мурасасиз кечди. Ва якунда вакиллари-

миз икки тўп фарқи билан — 29:27 ҳисобида зафар қучди.

Шу тариқа гуруҳда кетма-кет учта ғалаба қўлга киритил-ди. Энди тўртинчи ўйин асосий рақиб — Хитой терма жамоасига қарши бўлиб ўтади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ушбу қитъа биринчили-ги келгуси йил “U20” ёш тои-фасида ўтадиган жаҳон чем-пионатиға саралаш вазифаси-ни ўтади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ИНСОН ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Шу кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги байрами шукуҳи кезиб юрибди. Энг улуг, энг азиз байрамимиз қувончи одамларимизнинг юз-кўзларида, кўтаринки кайфиятида яққол акс этмоқда.

Қутлуг айём арафасида Президентимизнинг қатор фармонлари мувофиқ турли соҳаларда фаолият олиб бораётган, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаётган кўплаб юртдошларимиз фахрий унвон, орден

ва медаллар билан тақдирлангани байрам шукуҳини янада оширди. Бу янги Ўзбекистонда инсон қадр топаётганининг яна бир амалий намунаси бўлди. Шунингдек, бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларнинг мукофотланиши эса фидокорона меҳнат ҳеч қачон беиз кетмаслигининг ифодаси сифатида уларнинг оила аъзолари, яқинлари, шогирдлари қалбини қувончга тўлдирди.

Миллатнинг ўтлуғ куйчиси

Нилуфар ҚОСИМОВА
(марҳум олим — «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Бегали Қосимовнинг кизи):

— Дадам бутун умрини илм-фанга, жадидчилик ҳаракатини ўрганишга, уларнинг адабиётимиз, маънавий-маърифий ҳаётимиздаги аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга бағишлади. Жадид болоболаримизнинг асосий гоёларини ўз умрининг мезонига айлантирди.

Ул зот бекиёс даражада ички муштаракликка эга, сўзи билан иши, тили билан дили бир инсон эди. Энг қийин пайтларда ҳам фикрида қатъий турганини ҳамкасблари, шогирдлари яхши эслашади. Ҳеч қачон имон-эътиқодига, инсоний мартабасига ҳиёнат қилмади. Дадам бизга доим: "Илмли бўлинг. Илм миллатни юксалтиради", дерди.

Ижодхонасига кирсак, юрагимиз ҳаприқиб кетади. Асарлари, китоблари, қўлёзмаларининг ҳар бири биз учун қадри. Унда дадамизнинг нафаси, кўз нури, қалб кўри, сочларининг оқи, умрининг мазмуни қолган. Даврлар кечмиши билан сарғайиб кетган саҳифаларни кўзларига суртиб ўрганди. Хатто номи тилга олинишга ҳайиқилган даврларда ҳам Бехбудий, Фитрат, Ҷулпон



қўлёзмаларини чуқур тадқиқ этди. Тадқиқотларида аниқ мақсад, мантикий бадиий таҳлил, бадиий-эстетик талқин етакчиликлари қилди. Ўзбек адабиёт-шунослигини ўзининг фундамента тадқиқотлари билан бойитди. Анча оғир йилларда ҳам ўз аъмолига қарши бормади. Мақсадни аниқ қўйиб, ўз йўлидан қайтмади.

Шу ишларнинг самараси ўлароқ, шу қутлуг кунларда дадамизнинг "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирлангани миллий адабиётимизга, жадидларимизга, илмимизга юксак эътибор бўлди. Президентимизга оиламиз, дадамнинг ҳамкасблари, илмий ишларини давом эттириб келаётган юзлаб шогирдлари номидан миннатдорлик билдирамиз.

Китоблар одамларга ўхшайди

Давлат ТОШЕВ,
Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом, «Шуҳрат» медали соҳиби (Бухоро шаҳри):

— Миниатюра санъати эълоғимдан илҳос қўйганман. Яширмайман, ўта сермашақат иш. Баъзан сайёҳлар кузата туриб, "Бу юмушни ниманинг эвазига бажариш мумкин?" дея ҳайратланишади. Мен шунда уларга "Халқимизда "Сабрнинг таги олтин", деган нақл бор. Сабр-тоқат, иштиёқ, билим ва кунт билан ишланса, бу санъат сирларини эгаллаш мумкин", дея жавоб бераман.



Қўл меҳнати асосида санъат асарлари яратилган хунармандлар бугун алоҳида эъзозда. Даврларнинг тўри бизга аталган, десак, муболага эмас. Нидерландиянинг Лейден университети, Швейцариянинг Санкт-Галлен ва Туркиянинг Мармара университетлари кутубхоналарида сақланаётган Шарқ қадимий қўлёзма китобларини таъмирлаш ишларида иштирок этиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Истиқлол байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида давлат мукофоти билан тақдирланишим ҳам халқ амалий санъати усталарига кўрсатилаётган юксак эътибордан нишонадир.

Ўйлаб қарасам, китоблар инсонларга ўхшайди. Улар ҳам меҳр-эътиборга, қаровга эҳтиёж сезади. Бинобарин, ҳаётимни миниатюра санъатига бағишлаганим ортидан қадимий асарларни таъмирлаш, улар умрига умр қўшаётганимдан хурсандман.

"Устоз — шогирд" болалар амалий санъат марказимиз Бухоронинг эски шаҳар қисмида жойлашган. Бу ерда ўғил-қизларга миниатюра санъати билан бир қаторда ипак матога нақш тушириш, наққошлик сир-асрорлари, қадимий китобларни таъмирлаш усуллари ҳам белуф ўргатилади. Айни пайтда 57 нафар иқтидорли ўқувчи сабоқ оляпти. Уларнинг 20 нафари эшитиш ва гапиришда нуқсонни бўлган болалардир.

Хазрат Алишер Навоий "Хунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб туфроққа му кетгумдир охир", дея лутф этганлари беҳиз эмас. Халқимиз ардоғидаги санъатни ўғил-қизларимизга ўргатиш учун куч-гайратим, билим ва салоҳиятимни аямайман.

Кўқон хунармандчилик мактаби учун юксак баҳо

Мирзаюнус УМАРОВ,
Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймаkori, «Шуҳрат» медали соҳиби (Фарғона вилояти):

— Асрлар мобайнида сайқалланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий хунармандчилик ривожига бобомиз Қодиржон Хайдаров асос солган Кўқон мактабининг ҳам ўз ўрни бор. Кўқон ёғоч ўймакорлиги қўл меҳнати орқали санъат даражасида бажариладиган сержило нақшлари, гуллари ва безаклари билан ажралиб туради.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли кейинги йилларда миллий хунармандчилигимиз, хусусан, ёғоч ўймакорлиги замонавий мезонлар асосида ривожланмоқда. Айниқса, 2019 йилдан буён Кўқон шаҳрида ўтказиб келинаётган Халқаро хунармандчилик фестивали туфайли ёшлар ўртасида ушбу хунарга бўлган қизиқиш янада кучайди. Айни кунларда ўнлаб



шогирдлар, фарзанд ва набиралар билан биргача жорий йилнинг 19 — 21 сентябрь кунлари шахримизда бўлиб ўтказилган учинчи Халқаро хунармандчилик фестивали қизгин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Шу мақсадда маҳаллий ва хорижий сайёҳларга намойиш этиш учун Кўқон ёғоч ўймакорлиги анъаналари асосида ранг-баранг маҳсулотлар тайёрланяпти. Тарихий Ўрда майдони, маданий обидалар, туризм маршрутлари рўйхатида киритилган манзиллар

Мукофот катта масъулият юклади

Отабек УСАНОВ,
Қашқадарё вилояти Деҳқонobod тумани прокурори, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби:

— Бугун прокуратура органлари нафақат қонун устуворлигини таъминлаш, шу билан бир қаторда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ҳам фалоллик кўрсатиб келмоқда. Соҳанинг обрў-эътибори ҳар қачонгидан-да юксалиб борапти.

Мен 18 йилдан буён прокуратура тизимида, 2023 йилнинг август ойи, яъни роппароса 2 йилдан буён Деҳқонobod тумани прокурори вазифасида ишлаб келяпман.

Президентимиз Фармонида асосан "Содиқ хизматлари учун" медали билан мукофотланганим, аввало, прокуратура тизимида фаолият олиб бораётган барча ҳамкасбларимнинг меҳнатларида берилган юксак баҳо, деб биламан.

Ҳар бир давлат мукофотида Бош прокуратура раҳбарияти ва ҳамкасбларимнинг меҳнати зоҳир.

Кўп йиллик меҳнатим замиридаги қасбга бўлган садоқатим давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилгани, аввало, юксак ишонч намунасиридир. Бундай ишонч ўз-ўзидан масъулият ҳиссини янада оширади.



«Ўйнаганлар бўлади хуш Хоразмнинг лазгисига»

Отабек РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлини маси балет артисти, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони соҳиби:

— Ўзбек миллий рақс санъатида Хоразм йўналиши ўзининг бетакрор ҳозираси билан ажралиб туради. Айниқса, илоҳий мўъжиза сифатида эътироф этиладиган, жонбахш "Лазги" куйи қалганларда кексаю ёш беихтиёр рақсга тушиб кетади. Кейинги йилларда миллий рақс санъатимизни ривожлантириш борасида қатор ташаббуслар рўйбга чиқди. Жумладан, "Лазги" рақси 2019 йилда ЮНЕСКОнинг Инсоният номаддий маданий мероси репрезентатив рўйхатида киритилди. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Хива шаҳрида "Лазги" халқ-



раз рақсларини кўп минг сонли мухлислар эътиборига ҳавола етдим. Бугун 30 нафарга яқин шогирдларим миллий рақсларимизни нуфузли фестиваллар саҳнасида зўр маҳорат билан ижро қилаётганидан бахтиёрман. Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармони билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони билан тақдирландим. Бу юксак эътибор менга жуда катта ижодий куч, илҳом ва рағбат берди. Бундан буён ҳам миллий рақс санъатимизни янада ривожлантириш, жаҳон саҳналарида кенг тарғиб этиш ва келажак авлодларга етказиш йўлида бор билим, куч ва гайратимни аямайман.

Ўзбекистон, сенга хизмат қилиш улуг шараф!

Муҳаббат ХАЛИКОВА,
Термиз шаҳридаги 2-оилавий болалар уйи раҳбари, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби:

— Очиги, давлатимиз раҳбари Фармони билан II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланганим мен учун бекиёс гуруҳ ва масъулиятдир. Бундай юксак эътирофни бир меннинг эмас, аввало, фарзандларим деб меҳнат қилаётган, юрагини болаларга бағишлаган барча оналарнинг, тарбиячиларнинг, болалар уйларида сидқидилдан ишлаётган фидойи инсонларнинг меҳнатида берилган юксак баҳо, деб биламан.

Бизга яратиб берилаётган имкониятлар — фаровон ҳаёт, тинчлик, осойишталик, илм-фан, таълим, спорт ва бошқа соҳалардаги кенг йўллар, буларнинг барчаси Юртбошимизнинг юксак ғамхўрлиги самараси.

Термиз шаҳрининг Гулистон маҳалласидаги оилавий болалар уйимизда ҳар бир бола ўзини ота-она бағрида ўсаётгандай ҳис қилади. Улар учун барча қулайлик яратилган:



ўқш, спорт билан шуғулланишга, тўлиқ камол топишига замонавий шарт-шароит бор. Тикувчиликка қизиққан қизлар учун ҳам алоҳида шaroитлар ташкил этганмиз. Хуллас, бир оила — бир тану бир жон бўлиб яшаяпмиз.

Биз, тарбиячилар, фарзандларимизни Ватанга садоқатли, билимли, эзгу мақсадли қилиб тарбиялашга интиляпмиз. Чунки келажак уларники. Биз шу келажак учун масъул эканимизни тўлиқ ҳис этамиз.

Яна бир бор, давлатимиз раҳбарига, бизга ҳамиша елкадош бўлиб келаётган ҳамкорларга чин қалбдан раҳмат айтаман. Биз бу ишончини оқлаш учун янада масъулият билан, меҳр билан, садоқат билан меҳнат қилишда давом этамиз. Азиз Ватаним — Ўзбекистон, сенга хизмат қилиш — энг улуг шарафдир!

Тинчлик — ибодатимиз ҳаловати, турмушимиз саодати

Мирзамахсуд АЛИМОВ,
Анджон вилояти бош имом-хатиби, «Имом Бухорий» ордени соҳиби:



— Аллоҳ таолога бениҳоя ҳамду санолар бўлсинки, жонаҳон Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллик байрамиди тинчлик ва офият ила қутиб олмақдамиз. Бу Яратганинг юртимизга берган улкан марҳаматидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз барча соҳа қаторида диний-маърифий йўналишда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Маънавият ва маърифат марказларимиз тобора кўпаймоқда, юртимиздаги масжид ва мадрасалар сони ортиб бормоқда. Хусусан, ҳаж зиёрати учун ажратиладиган квоталар кенгайтирилиб, жорий йилда 15 минг нафар ҳамюртимиз муқаддас ибодатни адо этиб қайтди. Умра сафарига эса навбатлар берор қилинди ва ҳар йили юз

минглаб юртдошларимиз муборак Макка ва Мадина зиёратига бормоқда. Бу каби улкан имкониятлар мустақиллигимиз, тинчлигимиз ва барқарорлигимиз туфайли юзга келаётгани аини ҳақиқат.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан диний-маърифий соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Имом-хатиб ва соҳа хизматларининг малакасини ошириш, уларнинг сайёҳаракатларини муносиб рағбатлантириш йўлга қўйилди. Бу ислохотлар соҳа тараққиётига янги руҳ ва куч бағишламоқда.

Улуг айём арафасида "Имом Бухорий" ордени билан тақдирланганимиз давлатимиз раҳбарининг, халқимизнинг ислом маънавиятига бўлган эътибори меваси, деб биламан. Бу мукофот зимманимиздаги масъулиятни янада орттириб, эзгу ишларимизни давом эттиришга ундайди.

Мана шундай улуг кунларда Яратгандан Ватанимиз ҳамиша тинч, эл-юртимиз омон, ҳаётимиз фаровон бўлишини сўраймиз. Аллоҳ таоло барчамизни ас-расин, Ватанимиз равнақ топаверсин!

Жамоамиз меҳнатлари эътирофи

Фарҳод БОЙНАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти мусикали драма театри бош режиссёри, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Қашқадарё вилояти мусикали драма театри мамлакатимиз театр санъати ривожига ўз ўрнига эга бўлган катта ижодий даргоҳлардан бири ҳисобланади. Бу ерда кўплаб санъат даргалари фаолият олиб боришган, қанча-қанча машҳур асарлар саҳналаштирилган.

Мен ҳам 2008 йилдан буён ана шу даргоҳда дастлаб олий тоифали актёр, 2022 йилдан эса бош режиссёр сифатида фаолият юртиб келаётганимдан доим гуруҳ ва ифтихор туяман.

Бугунги кунда ҳам театримизда жуда аҳил ва катта ижодий салоҳиятга эга жамоа ййилган. Жамоамизнинг ҳам-жихатлиқда, ҳамфикрликда олиб бораётган ишлари, меҳнатлари эвазига сўнгги йилларда театримизда саҳналаштирилган кўплаб спектакллар томошабинлар ва мутахассислар томонидан юқори эътироф этилди. Дунёнинг қатор давлатларида ижодий сафарлар уюштирдик. Кўплаб



нуфузли халқаро танловлар, фестивалларда юртимиз номидан қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритдик.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллик шодифалари олдидан Президентимизнинг Фармонида асосан "Дўстлик" ордени билан мукофотланганимиз ҳам, аввало, жамоамиз меҳнатларининг эътирофи, деб биламан.

Бундан кейин ҳам юртимиз театр санъатини ривожлантириш йўлида ўзимнинг бор билимим, истеъдодим, куч ва шижоатимни сафарбар қилишда давом этавераман.

Марралар сари қанот

Умаржон ҲАМРОЕВ,
«Навоийуран» давлат корхонасининг «Уран ва ноёб металллар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази геология-кидирув экспедицияси бош геологи, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони соҳиби:

— Навоий кон-металлургия комбинати таркибида бўлиб, уран ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тузилмаларнинг "Навоийуран" давлат корхонаси тизимига бирылганга қўл бўлгани йўқ. Шу қисқа фурсат корхонамиз ҳаётида ишлаб чиқариш барқарорлигини сақлаган ҳолда халқаро стандартларга мувофиқ энергия самарадорлиги ва экологик хавфсизлик чораларини таъминлаш, фойдаланишда бўлган табиий уран конларини узлуқсиз ишлатиш, уран конларида мавжуд ноёб ва но-



дир металлларни қазиб олиш, кайта ишлаш ва уран оксидини экспорт қилиш борасида ўзига ҳос синовлар йили бўлди, десак, муболага эмас.

Ислохотларнинг ҳар бир жабҳасида мамлакатимиз

раҳбарининг доимий ғамхўрлик ва эътиборини ҳис этиб турибмиз. Айниқса, Президентимизнинг 2022 йил 14 июлдаги қарори асосида мавжуд захираларни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириш бўйича берилган вазифалар корхонамизда барқарор ишлаб чиқариш суръатларини таъминлаб, унинг халқаро рейтингини кўтарिशга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог" фахрий унвони билан тақдирланганимиз мамлакатимизнинг барча маъдан кидирувчиларига эҳтиром рамизи сифатида қабул қилдим. Ушбу эътироф биз, соҳа ходимлари учун янги-янги марраларга қанот бўлади.

«Халқ сўзи».

Январь — июнь ойларида юртимизда 19 та спорт объекти ишга туширилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳриратта компьютер терминали ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6